

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>А.АКБАРОВ</b>	.....	83
Хайнриҳ Ҳайнненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида .....	.....	83

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ**

Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири .....	.....	88
--	-------	----

### **М.РАСУЛОВА, И.ҚҰЧҚАРОВ**

Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили .....	.....	91
---	-------	----

### **Ҳ.ЗАКИРОВА**

Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини .....	.....	94
--	-------	----

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### **Б.УМУРЗАҚОВА**

Хорижий тилларни ўқитишида ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари .....	.....	97
--	-------	----

### **А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ**

Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари .....	.....	100
--	-------	-----

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.НАЗАРОВ**

Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида .....	.....	103
--	-------	-----

### **Ш.ЖУМАНИЯЗОВ**

Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси .....	.....	105
--	-------	-----

### **А.АБДУХАЛИМОВ**

Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари .....	.....	109
---	-------	-----

### **И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА**

Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни .....	.....	112
---	-------	-----

### **А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА**

Ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли .....	.....	114
---	-------	-----

### **С.СОДИҚОВ**

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови .....	.....	116
---	-------	-----

### **А.САБИРДИНОВ**

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар .....	.....	119
---	-------	-----

### **Д.ХУСЕНОВА**

Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар .....	.....	121
--	-------	-----

### **В.ГИЁСОВА**

Эртакнинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матннинг кўринишларидан бири сифатида .....	.....	124
---	-------	-----

### **М.ШОКИРОВА**

“Спорт” семали бирликлар хусусида .....	.....	127
---	-------	-----

### **А.АСИМОВ**

Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишида инновацион ғоялардан фойдаланиш .....	.....	129
---	-------	-----

### **Д.ҚАМБАРОВА**

Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати .....	.....	133
--	-------	-----

### **Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА**

Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили .....	.....	135
--	-------	-----

### **М.ДИЛБАРЖОНОВА**

Тахаллус ва лақабларнинг кўлланилиши хусусида .....	.....	138
---	-------	-----

### **И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА**

Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси .....	.....	140
---	-------	-----

### **Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ**

Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги .....	.....	142
--	-------	-----

### **М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ**

Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишининг жадал усули .....	.....	145
---	-------	-----

## БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	.....	147
--------------------	-------	-----

УДК: 41+8.08+413

## ОКСЮМОРОН – НУТҚДА ҒАЙРИОДАТИЙ БИРИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИДАН БИРИ

**А.Мамажонов, А.Саминов****Аннотация**

*Мақолада нутқнинг таъсирчанилигини ошириш учун хизмат қилувчи лексик-семантик ва лингвостилистик ҳодисалардан бири бўлган, мантиқий ва эмоционал маъно муносабатларига асосланган услубий восита – оксюморон ҳақида фикр юритилади.*

**Аннотация**

*В статье речь идет об оксюморон – одном из лексико-семантических и лингвостилистических явлений, служащих повышению действенности речи, методического средства, основанного на логических и эмоциональных отношениях содержания.*

**Annotation**

*This article talks about an oxymoron – one of the form of a methodological tool that relies on logical and emotional relationships that help to increase impressionability through lexico-semantic and linguistic-stylistic events.*

**Таянч сўз ва иборалар:** нутқ, ғайриодатий бирикма, эмоционал-экспрессив, лексик-семантик, лингвостилистик, метафора, метонимия, синекдоха, оксюморон, аллофрония, стилистик фигура

**Ключевые слова и выражения:** речь, нетрадиционная комбинация, эмоционально-экспрессивная, лексико-семантическая, лингвистическая, метафорическая, метонимия, синекдоха, оксюморон, аллофрония, стилистическая фигура.

**Keywords and expressions:** speech, unconventional combination, emotional-expressive, lexical-semantic, linguistic, metaphorical, metonymy, sinekdoxa, oxymoron, allofronia, stylistic figure.

Нутқда шундай бирикмалар (конструкциялар) бўладики, уларда мазмунан номувофиқлилар кузатилади, яъни ғайриодатий бирикиш юзага чиқсан бўлади. Бундай бирикмаларда маълум модал маънени очиш, фикрни ёрқинроқ, эмоционал-экспрессив ҳолатларни кўшиб ифодалаш кабилар биринчи ўринга чиқади. Бундай бирикмаларни ташкил этувчилик алоҳида-алоҳида олиб қаралганда, бир-бирига нисбатан зид бўлади, мантиқан бир парадигмада бўлмайди. Бундай боғланишларнинг асосий кўриниши сифатида тадқиқотчилар томонидан турли лексик-семантик ва лингвостилистик ҳодисалар қайд этилган: “метафора, метонимия, синекдоха, парадокс, ирония, антифразис, оксюморон, гипербола, литота, ўхшатиш, эвфемизм, аллюзия, прецедент матн, энантиосемия, полисемия, омонимия, синонимия, тавтология, фразеологик ибора, матал, топишмоқ ва бошқалар” [1]. Тилшуносликда юқоридагилар лингво-стилистик ҳодиса сифатида бирлаштирилди ва “аллофрония” термини остида ўрганилади. “Аллофрония” термини зиддият, қарама-қаршилик билан бир қаторда лисоний бирликлардаги ҳар қандай семантик силжишларни, лисоний бирлик ва унинг маъноси ўртасидаги ўзгаришларни, тўғрироғи, ўзгачаликларни, яъни “бошқача ўйлаш”

маҳсули бўлган ҳодисаларни ҳам ифодалashi ва умумлаштира олганлиги учун бу терминни маъқуллаш мумкин [2.13].

Бундай боғланиш усулларидан бири бўлган стилистик фигура – бу, оксюморондир (оксимарон). Бу услубий фигура ҳақида тилшунослик ва адабиётшуносликка доир луғатларда қўйидаги маълумотларни олиш мумкин:

**Оксиморон** (юнон. охиморон — закий, нодон) — икки қарама-карши тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ёнма-ён келтириш йўли билан тасвир объектини бўрттириб кўрсатиш усули [3].

**Оксюморон** (юн. Охиморон – фаросат билан). Мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига қарама-карши бўлган икки тушунчани (маъноси бир-бирига зид икки сўзни) ўзаро қўшишдан иборат услубий фигура [4].

**Оксимарон ёки Оксюмарон** (юн. Охиморон - закиёна нодонлик) - услубий фигура, мантиқан тамомила зид тушунчалардан ҳосил бўлган синтактик бирлик [5.207].

**Оксимарон** - (юн. Охиморон - закий нодон) қарама-карши маъноли сўзлардан фавқулодда янги мазмун келтириб чиқаришга асосланган кўчим тури. Оксиморондаги мана шу хусусият унга кучли образлилик баҳш этади [6.172].

**А.Мамажонов –** ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.  
**А.Саминов –** ФарДУ ўқитувчisi.

## ТИЛШУНОСЛИК

Масалан:

*Ҳеч нарса юпаттмас шоир, ҳеч нарса,  
Ғарип бахтиёрлик энди юпаттар.  
Юлиб вужудимни титиб ахтарсам  
Дунёвий аламнинг тошлари ётар.*

(Р.Парфи)

“Ўзбек тили стилистикаси” китобидан мазкур услубий фигура ҳақида айрим умумий маълумотлар олиш мумкин: Зидлаш муносабатини ифодалашнинг кўринишларидан бири оксиморондир. Киши ёки предметнинг табиати ва моҳиятига хос бўлмаган зид белгини унга нисбатан кўлланиш орқали антонимик муносабат ҳосил қилиш оксиморон дейилади. Бу стилистик приёмда тўғри маънолари билан мантиқий жиҳатдан мувофиқ келмайдиган сўзлар бир-бiri билан учрашади, натижада, компонентлари моҳият эътибори билан бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган кўчма маънодаги бирикма ҳосил бўлади. Бу бирикманинг материал жиҳатдан кўриниши, асосан, сифат+от типида бўлади. Масалан, ширин дард, аччиқ шодлик, ақлли тентак, соқолли кўса, зийрак девона [7.50].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оксимарон асосий мантиқий ва эмоционал маъноларнинг муносабатига асосланган стилистик воситалардан биридир. Оксимарон усулида шаклланган бирикмаларда тил бирлиги бўлган лексемаларнинг мазмуний кетма-кетлиги мослигидан ҳам кўра, ҳосил бўлган нутқ кўринишидаги умумий модал маъно муҳимдир. Оксюмарон деганда, биринчидан, мазмунан зид бўлган, яъни ғайриодатий конструкцияни тушунамиз. Бу конструкциялар, кўпинча, атрибутив муносабатдаги сўз бирикмаларидан иборат бўлиб, аниқловчининг маъноси мантиқий жиҳатдан аниқланмишининг маъносини ёки, аксинча, аниқланмиш аниқловчининг маъносини инкор қиласи.

Оксимаронда аниқловчининг асосий мантиқий маъноси эмоционал маъно томонидан бартараф этилади. Масалан: иш билармон дангаса, аччиқ кулги, ёш қариллик, аччиқ соғинч, сукунат бақириғи, сокин исён каби бирикмаларни келтириш мумкин.

Нутқда релятив муносабатдаги ғайриодатий бирикмаларни ҳам учратиш мумкин:

*Шафтолиранг олам наиза учинда...*

*Дунёлари ёлғон, мен ўлдим чиндан...*

*Барно Бону, сизни аччиқ соғиндим.*

(Рауф Парфи)

Юқоридаги нутқ парчасидаги “аччиқ соғинмоқ” бирикмасида ишлатилган аччиқ сўзи моддий предметларнинг сифатини

билдириш учун кўлланилади. Бу бирикмада эса ўзининг асосий маъносини йўқотган ва мавҳум маънодаги **соғинмоқ** сўзининг белгиси сифатида эмоционал маънода ишлатилган бўлиб, муаллифнинг тасвирланаётган нарсага нисбатан субъектив муносабатини ифодаловчи воситага айланган.

Қўйидаги нутқ парчасида эса предикатив муносабат ғайриодатий бирикма тарзида намоён бўлади:

*Кезадир булуллар бошим устида.*

*Ҳаво дим.*

*Бақирган сукунат.*

*Сукунат – вужудларга, мияларга, санчилган игна!*

(Р.Парфи)

Бунда шоир **бақирган сукунат, сукунат-игна** каби оксиморонлар орқали ўзига хос маъно қирраларини очиб берган. Сукунат – (арабча سکونت – сокинлик, жимлик; 1. Ҳеч қандай товушнинг йўқлиги; 2. Сукут, сўзизлик)[8] сўзига бақириқ, игна сўзларини боғлаш орқали сукунат сўзининг ижобий маъносини йўқотиб, бақириқ, игна сўзларидаги салбий маъно бўрттириб кўрсатилган. Шоир “сукунат” сўзини игнага тенглаштириб, сукунатнинг инсон руҳиятига таъсирини ёрқин ифодалаб берган.

Бундай бирикмаларда семантик жиҳатдан бири иккинчисини инкор этувчи сўзлар муаллифнинг воқеа-ҳодисага ижобий ёки салбий муносабатини бўрттириб ифодалашга хизмат қиласи. Яна мисолларга мурожаат қиласи: “даҳшат чиройли” сўз бирикмасини олсак, “даҳшат” сўзи асосий маъносини йўқотиб, ижобий маънони кучайтириш учун хизмат қилмоқда. “Даҳшат” (арабча دهشت – ҳайронлик, ҳайратда қолиш. Ниҳоят даражада кўрқинч, хавф, ваҳима.) [9.563] салбий маъно ифодаловчи сўз бўлишига қарамай, эпитет таъсирида “чиройли” сўзининг ижобий маъно қиррасини янада ортиради.

Бу юқоридаги каби ғайриодатий бирикмаларнинг нутқда маълум бир услубий мақсад билан қисмлари мажбуран бириктирилади ва уларда ўзаро яқинлашишдан кўра мазмунан бир-биридан узоқлашиш устунлиги яққол кўзга ташланиб туради. Масалан: тирик мурда, ширин ўлим, қора нур, музлаган фарёд, ғарип бахтиёрлик, оташин музлар, сокин исён, бахтиёр гадолар каби.

Оксюмарон ҳам бошқа стилистик воситалар сингари нарса, ҳодиса ва воқеликни ифодалашдаги бадиий кўчим турларидан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида шаклланган сўз бирикмалари ёки гап кўринишлари таркибидаги

қарама-қарши маъноли тушунчаларнинг мавжудлиги ҳамда янги бир кутилмаган ифодалилик ҳосил қилиши билан нутқа кучли образлилик касб этади.

Маълумки, бадиий асар тилини мукаммал, таъсиричан қилиш, турли образ ва воқеа-ҳодисалар ифодасидаги сержилолик ва ўзига хос бўёқдорликни оширишда тасвирий воситаларнинг аҳамияти бекиёсдир. Икки лексик бирлик ўртасида ғайриодатий боғланишнинг юзага келиши лексик стилистика муаммоларидан бири ҳисобланади.

Оксимарон усули кўпинча:

а) аниқловчи+аниқланмиш – ақлли жинни, тирик мурда, иссиқ қор, шамол одам, ширин ташевиш

б) ҳолловчи+ҳолланмиш – қаттиқ шивирламоқ, шивирлаб бақирмоқ

в) эга+кесим – сукунат шивирлар, кўр кўради ўртасидаги семантик муносабатларда кўзга ташланади

Ўз-ўзидан аёнки, “ақлли” ((“ақл” арабча – عقل –эс, хуш) “ақлли” – ақли расо; мияли. Ақлли бола))[9] ва “жинни” ((арабча – جنّي жин, руҳ) (ақлдан озган, руҳий қасалликка йўлиқкан))[10] сўзлари ўзаро қарама-қарши маънони ифодалайди. Бир қараашда бу сўзлардан бирининг аниқловчи ва иккинчисининг аниқланмиш сифатида бир контекстда ёнма-ён қўлланиши мазмуний номувофиқлик ҳисобланиб, у кутилмаган бошқа бир мантиқий муносабатни келтириб чиқаради. Натижада “ақлли жинни” “ўз фойдасини яхши билувчи, лекин бошқаларга жиннидек кўринувчи” одам сифатида ихчам ва эмоционал тарзда намоён бўлади. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш

#### Адабиётлар:

- Ганеев Б.Т. Противоречия в языке и речи. Автореф.дисс...докт.филол. наук; Хатмулина Р.С.Аллофония в русском и английском дискурсе отраслевого журнала. Автореф.дисс...канд.филол. наук. – Уфа,2011//<http://www/disstrcat.com/content/allofroniya -v-russkom-i-angliyskom-diskurse-otraslevogj-zhurnala>
- Махмудов Н.,Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: Академнашр, 2014.
- Тўхта Бобоев. Адабиётшунослик асослари. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
- Нојиев А. “Tilshunoslik terminlарining izohli lug’ati”
- Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.:Akademnashr, 2010.
- Салаев Ф., Курбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. –Т.:Янги аср авлоди, 2010.
- Шомақсадов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Узбек тили стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1983 й.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. –Т.:«Ўзбекистон милллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,2006.
- 5 жилдли Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон милллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
- ЎЗТИЛ. 2-жилд .

лозимки, агар аниқловчи ва аниқланмишнинг ўрни алмашиб келса, у, албатта, бутунлай тескари маъно келтириб чиқаради. Масалан: “Ақлли жинни” ақлли одамга нисбатан, “жинни ақлли” эса жинни одамга нисбатан қўлланади. Бундай ғайриодатий бирикмалар услубий бўёқдорлик ва таъсиричанликни ошириш учун хизмат қиласида ва тасвирга эмоционаллик, киноя ва юмористик-сатирик бўёқ баҳш этувчи, асарнинг бадиий қимматини оширувчи ифода воситаси эканлигидан далолат беради.

Ғайриодатий бирикмалар фақат қарама-қарши маъноли сўзларнинг бирикувидан шакпланган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, деган фикр унча тўғри эмас. Чунки, бундай бирикмалар нутқда эга ва кесим муносабатидан ташкил топувчи гап кўринишида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан:

#### Газеталар чинқирап – даҳшат

Қайда вабо, қайдা босқинлар,

Адо бўлмас жанжал, хиёнат

Тамом бўлмас отқин осқинлар

(Ш.Раҳмон)

Одам ухляяпти,

Үйғотма уни,

**Сукунат шивирлар** қулоқларига.

Одам лабларини тутар сөвениб,

Болаликни барча булоқларига

(Ш.Раҳмон)

Умуман олганда, нутқда маъно жиҳатдан мос келмайдиган икки лексик бирликнинг “аниқловчи+аниқланмиш”, “ҳолловчи+ҳолланмиш”, “эга+кесим” қолипида намоён бўлиши оксюморон усулининг кенг қамровда ўрганиш заруратини туғдиради.